

Идора ҳаёти



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Идора ҳаёти

№ 14 (751) 31.07.2024 | 2024.07.31

Диний идора тизимида меҳнат қилаётган ёшларга МУРОЖААТНОМА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.
Пайғамбаримизга мукаммал ва батамом салавоту саломлар бўлсин!

Ҳурматли ёшлар!

Аввало, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида хизмат қилаётган ва мадрасаларда таҳсил олаётган Сиз, азиз ёшларни мамлакатимизда ҳар йили анъанавий тарзда кенг нишонланаётган 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Бугунги кунда маъҳад, мадраса ва олийгоҳларда билим олаётган, масжидларда ўз вазифасини шараф билан адо этаётган фарзандларимиз – келажагимиз ворисларидир.

Аллоҳ таолога чексиз ҳамдлар бўлсинки, юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Илму маърифатли, иқтидорли, ташаббускор ва касбу кор соҳиби бўлган ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Диний соҳамиз миқёсида оладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим шакллантирилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилиб, бу йўналишдаги ишлар босқичма-босқич ривожлантирилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ёшлар учун зиё масканига айланиб бормоқда.

Республикаимизда 2017 йилга қадар олий диний таълим муассасаси битта бўлган бўлса, охириги 7 йилда уларнинг сони 4 тага етди. Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Ҳадис илми мактаби энг замонавий диний таълим муассасасидир.

Марказий Осиёда ноёб ҳисобланган таълим масканида ўқув жараёнилари тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, бу ерга ал-Азҳар каби нуфузли даргоҳлардан хорижлик мутахассислар жалб қилинган.

Мир Араб олий мадрасаси, Имом Термизий мадрасасининг очилгани ва янги ўқув йилидан Термиз шаҳрида Имом Термизий номидаги ислом институти фаолият бошлаши қувончимизга қувонч қўшди.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида 2024–2025 ўқув йилидан бошлаб магистратурага, 2025 йилдан докторантурага ўқишга қабул қилиш режалаштирилган.

Жаҳон стандартлари асосида рақамли технологияларни диний таълим тизимида жорий қилиш мақсадида ушбу институтда 2024 йилдан бошлаб Nemis платформасидан фойдаланиш жорий қилинди. Мазкур тизим таълим жараёнини рақамлаштириш билан бир қаторда, талаба ва педагог-ўқитувчиларга бир қатор қулайликларни беради.

Шундай имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиб, турли йўналишларда қувончли натижаларни қўлга киритаётгани, албатта, барчамизни хурсанд қилади. Масалан, шу йил Россия Федерациясида ўтказилган Куръон мусобақасида “Ҳидоя” мадрасаси талабаси Аббосхон қори Обидов фахрли ўринга сазовор бўлганини алоҳида қайд этиш мумкин.

Масжидларда меҳнат қилаётган ёш имом ноибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, муносиб иш ҳақи билан таъминлаш, қўшимча имтиёзлар бериш, билим ва малакаларини ошириш, хорижий давлатлар, хусусан, ҳаж ва умра сафарларига юбориш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Азиз шариат ходимлари!

Динимизда ёшлар мавзусига катта эътибор қаратилган. Аллоҳ таоло барча пайғамбарларга илм ва ҳикматни уларнинг ёшлик чоғларида берган. Бу ҳақда Куръони каримда бундай марҳамат қилинади: “(Юсуф алайҳиссалом) **вояга етган вақтида унга ҳукми ва илми бердик**” (Юсуф сураси, 22-оят).

Ибн Аббос розияллоху анхумо айтади: “Аллоҳ таоло барча пайғамбарларни ёшлик вақтида пайғамбар қилиб юборди”.

Ҳадиси шарифда ҳам ёшлик ва унинг қадрига етишга алоҳида аҳамият қаратилган. Жумладан, Имом Ҳоким Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда бундай хитоб қилинади: “**Ёшлигингни кексайиб мункиллаб қолишингдан олдин ғанимат бил**”.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ёшлик даври инсоннинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан кўп имкониятларга эга бўлиш босқичи бўлгани учун айнан шу даврни кўпроқ ғанимат билишга чақирдилар. Ёшликни ғанимат билиш, албатта, илм олиш, гўзал одоб-ахлоқ ўрганиш ва эзгу ишларнинг пайдидан бўлиш билан юзага чиқади.

Ўтган улуғларимизнинг ҳаётларига назар солсак, улар юқоридаги ҳадиси шарифга гўзал тарзда амал қилганларини кўрамиз. Масалан, Саъд ибн Убода розияллоху анху Исломга кирган пайтида 31 ёш бўлиб, у ўшанда Авс қабиласининг раҳбари эди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Бадрда маслаҳат сўраган саҳобалар ичида энг дадил гапни айтган киши ҳам Саъд розияллоху анху бўлган.

2-бетда

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 16 июль. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Германиянинг Гамбург университети ҳузуридаги Осиё-Африка тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда “Зарафшон воҳаси маданий бойликлари” туркумида навбатдаги он-лайн семинар бўлиб ўтди.

✓ 16–17 июль. Ҳадис илми мактабига 2024–2025 ўқув йили учун қабул имтиҳонлари ўтказилиб, 10 нафар ёш ўқишга қабул қилинди.

✓ 17 июль. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фондининг Самарқанд вилояти филиали “Меҳр–2020” фонди жамоаси билан ҳамкорликда янги ўқув йили олдидан ҳудуддаги боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилаларнинг 1000 нафардан ортиқ фарзандларини ўқув қуроллари, мактаб формалари билан таъминлаш учун хайрия акциясини бошлашди.

✓ 19 июль. Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида Қўқон ва Марғилон шаҳарларида фаол ва зиёли ҳожилар учун ўқув-семинар ташкил этилиб, тадбир якунида уларга “Маънавият тарғиботчиси” сертификатлари тақдим қилинди.

✓ 20 июль. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида “Имом Бухорийнинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Мусулмоннинг қўрғони

«Аллоҳумма инний ас`алука сабаата фил амри, вал ғазиймати ғалар рушд. Ва ас`алука шукро ниъматика ва хусна ғибаадатик. Ва ас`алука қолбан салийман, ва лисаанан соодикон. Ва ас`алука мин хойри маа таъламу, ва аъузузубика мин шарри маа таъламу. Ва астағфирука ли-маа таълам».

«Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ишда саботни сўрайман. Рушдда азми қарорни сўрайман. Сендан неъматининг шукрига, ибодатингни гўзал қилиш(га тафвиқ беришинг)ни сўрайман. Сендан ростгўй тил, соғлом қалб сўрайман. Сендан Ўзинг билган нарсаларнинг хайридан сўрайман. Сендан Ўзинг билган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Сендан Ўзинг билган нарсадан истиғфор сўрайман» (Имом Термизий ривояти).

Мўминлар ҳақида ёмон ўйда бўлманг!

“

«Албатта, бўхтон қилган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўда кишилардир. Уни ўзларингиз учун ёмон деб ўйламанг, у сизлар учун яхшидир. Улардан ҳар бир киши учун ўзи орттирган гуноҳи бордир. Улардан (туҳматнинг) каттасини биринчи бошлаган кимса учун улкан жазо бордир. Сизлар туҳматни эшитганингизда, мўмин ва мўминалар ўзларидан бўлганлар ҳақида яхшилиқни гумон қилиб: «Бу аниқ бўхтон-ку!» десалар бўлмасмиди?!»
(Нур сураси, 11–12-оятлар).

«Албатта, бўхтон қилган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўда кишилардир». Эй мусулмонлар! Ойша розияллоху анҳога туҳмат қилган кимсалар бегоналар эмас, балки орангиздаги

бир гуруҳ мусулмонлардир. Улар орасида (мунофиқ) Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳам бор. Чунки у кўринишда иймонли деб ҳукм қилинган мусулмонлардан эди.

«(Эй туҳматдан азият чекканлар, сизлар) у (туҳмат)ни ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанг». Дарҳақиқат, Ойша ва Сафвон розияллоху анҳумо ҳамда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам, Абу Бакр Сиддиқ ва унинг яқинлари туҳматдан қаттиқ азият чекишди, жуда мушкул аҳволда қолишди.

«...балки у сизлар учун яхшидир». Туҳмат воқеаси уларга бир неча жиҳатдан яхши бўлди. Биринчидан, улар Аллоҳ таолонинг розилигини истаб, туҳматга сабр қилишгани учун улкан ажру савобга эга бўлишди.

Иккинчидан, бу бўхтон ошкор этилмаганида, баъзи одамларнинг қалбида Ойша онамизга нисбатан ёмон гумон сақлаиб қолган бўлар эди. Туҳмат ошкор этилгач, у гуруҳнинг ёлғони асрлароша ёйилди.

Учинчидан, шу воқеа сабаб Ойша розияллоху анҳонинг ва туҳматдан азият чеккан бошқаларнинг покизалиги, шарафи, қадри баён этилган, туҳматчиларга лаънат ва азоб муқаррарлиги зикр

этилган ўн саккизта ояти карима нозил бўлди.

«Улардан ҳар бир киши учун ўзи орттирган гуноҳи бордир». Яъни, Ойша розияллоху анҳо онамизга туҳмат қилган ҳар бир кишига бўхтонига яраша жазо бордир. Яъни, уларнинг азоби туҳматга қанчалик аралашганига кўрадир.

«Улардан туҳматни биринчи бошлаган кимса учун эса улкан жазо бордир». Бу туҳмат-бўхтонни мунофиқлар каттаси ибн Салул бошлади. Бошқалар унинг гапини гапириб юришди... Бу гапни ташиганлар жазоларини олишди. Ибн Салулга эса улкан жазо – жаҳаннам оташи бор.

«Сизлар (туҳматни) эшитганингизда мўмин ва мўминалар ўзларидан бўлганлар ҳақида яхшилиқни гумон қилиб: «Бу аниқ бўхтон-ку!» десалар бўлмасмиди?!» Яъни, ҳар бир мўмин солиҳлиги ва ифбатлилиги билан танилган киши ҳақида бирор айблов ёки ёмон гап эшитганида, унга ишонмаслиги, аксинча, у ҳақда яхши ўйда бўлиши керак.

Ривоят қилинишича, Абу Айюб Ансорийнинг хотини: «Одамлар Ойша ҳақида нима

дейишаётганини эшитдингизми?» деб сўради. У: «Ҳа, эшитдим. Лекин у бўхтон-ку! Сен шу ишни қилармидинг, эй Умму Айюб?» деди. Хотини: «Аллоҳга қасамки, йўқ», деб жавоб берди. Шунда Абу Айюб розияллоху анҳу: «Аллоҳга қасамки, Ойша сендан кўра яхшироқ ва номуслироқдир», деди. Умму Айюб буни тасдиқлади.

Ибн Зайд айтади: «Мўмин ўзининг онасига нисбатан, она эса боласига нисбатан фожирлик қилмайди. Ахир Ойша розияллоху анҳо мўминларнинг онаси-ку!»

Абу Бакр Розий айтади: «Бу оят парҳезкор, шариат қайтарган нарсалардан тийилган киши ҳақида яхши ўйда бўлиш вожиблигига далолат қилади».

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ айтади: «Гуноҳ ишлари ошкор бўлмагунича, мусулмонлар адолатли, гувоҳлиги мақбул ҳисобланади. Биз (мўминлар ҳақида) яхши ўйда бўлишга буюрилганмиз».

«Мафотиҳул ғойб», «ат-Тасҳил ли ʼулумит танзил», «ал-Жомий ли аҳқамил Қуръан», «Мадарикут танзил» асарлари асосида
Азизбек ХОЛНАЗАРОВ
тайёрлади.

Идора ҳаёти

1-бетда

Яна бир ёш саҳоба Зайд ибн Собит розияллоху анҳу Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Қуръон сураларидан тиловат қилиб берди. Ундаги укувни кўриб, Жанобимиз: «Бу бола истъодли экан, сурёний тилини ўрганса, менга котиблик қиларди», дедилар. Кейин унга шахсан ўзлари Қуръон ўргатдилар ва хос котиблардан қилиб олдилар. Қуръони каримни илк бор мусхаф шаклига келтиришда Абу Бакр ва Ҳазрат Умар розияллоху анҳумо бу вазифани Зайд ибн Собит розияллоху анҳуга топширишди. Ўшанда Зайд розияллоху анҳу навқирон йигит эди.

Саҳобаларнинг кўпчилиги ёшлар эди. Ҳазрат Али, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Самура ибн Жундаб, Зайд ибн Ҳориса, Анас ибн Молик, Усома розияллоху анҳум каби қатор саҳобаларнинг номларини келтириш мумкин. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг даврларида булар 20 ёш атрофидаги йигитлар эди. Набий алайҳиссалом жуда муҳим, катта-катта ишларни уларга ишониб топшириб, бу билан уларни келажакка ҳозирлардилар.

Диний идора тизимида меҳнат қилаётган ёшларга МУРОЖААТНОМА

Қадрли ўғил-қизлар!

Сизлар динимиз қуввати, халқимиз бойлиги, юрт таянчи ва келажак пойдеворисиз. Шундай экан, илм – нажот калити дея бебаҳо маънавий мерос қолдирган улуғ аجدодларимиз изидан юринг. Улар каби ўз соҳасининг етук мутахассис олими бўлиб етишинг. Сифатли таълим сари имкониятлар эшиги очилаётган бир даврда илм маёғини кўлга олинг!

Бугунги мураккаб даврда доимо сергак туринг. Ҳеч қачон ғафлатда қолманг. Зиммангиздаги ҳақларни имкон қадар пухта ва камчиликсиз адо этинг. Бу йўлда ихлос, садоқат, тақво ва муҳаббат сизнинг доимий ҳамроҳингиз бўлсин.

Неъматларнинг қадрига етинг. Хусусан, ёшлиқни беҳуда ишларга сарф қилманг. Қимматли умрингизни сермазмун ўтказинг. Зеро, ҳар бир неъматнинг ҳисоби берилажак кунни унутманг!

Ҳар ишингизда адолатли ва мўътадил бўлинг! Асло мутаассиблик ва ғулувга кетманг.

Нафсингизни жиловланг. Чунки барча ёмонликлар нафсининг хою ҳавасларига эргашишдан келиб чиқади. Бошқаларни ўзгартиришдан олдин, ўзингизни ислоҳ қилинг. Шунда жамият ислоҳ бўлади.

Ўқиб-ўрганган билимларингизни ҳаётга татбиқ этиб, жамият ва мусулмонларга фойда келтиринг. Асло фақат ўзини ўйлайдиган ва бефарқ шахсга айланиб қолманг.

Она-Ватанга муҳаббатли ва садоқатли бўлинг. Унинг ривожини йўлида бор имкониятингизни ишга солиб хизмат қилинг.

Фитна ва унга олиб борадиган нарсалардан эҳтиёт бўлинг. Муборак динимизни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлганлардан огоҳ бўлинг. Шунингдек, динни ниқоб қилиб олган, асл мақсадлари эса умуман бошқа бўлган кимсаларнинг тузоғига илиниб қолманг!

Соф эътиқод ва мазҳабни маҳкам тутинг. Турли адашган тоифаларнинг даъволарига ишониб, ўзингиз ҳамда яқинларингизни ташвишга қўйманг. Айниқса,

бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда хушёр бўлинг.

Ҳанимат умрингизни намуна бўладиган даражада ўтказинг. Ҳаёт саҳифангизга доғ туширадиган номақбул ишлар қилманг. Дунё-охиратда ота-онангиз ва устозларга раҳматлар олиб берадиган солиҳ фарзанд бўлинг.

Аждодларингиз ҳаёти ва уларнинг қилган ишларидан ибрат олиб, уларга муносиб авлод бўлишга интилинг.

Аллоҳ таоло Сиз, азиз ёшларни ҳамиша ҳифзу ҳимоясида сақласин. Ҳар бир хайрли ишингизда Яратганнинг Ўзи мадакор бўлсин. Шариат ходими бўлишдек шарафли ва масъулиятли йўлда барчангизга омад ва зафарлар доимо ёр бўлишини ва рушду ҳидоят тилайман.

Вассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий

Рукуда “Субҳана Роббиял ʼазийм” хато ўқилса...

Намоз ўқиётган киши “Аллоҳ” лафзини эшитиб, “Жалла жалалаҳу” ёки Пайғамбар алайҳиссалоту ва салламнинг номларини эшитиб, “соллаллоҳу алайҳи ва саллам” ёки шайтоннинг номи-ни эшитиб, “лаънатуллоҳ ё лаънатуллоҳи алайҳи” деса ва уларни жавоб ниятида айтмаган бўлса, намози бузилмайди (“*Фатавойи Оламгирия*”).

Руку тасбеҳида “Субҳана Роббиял ʼазийм”нинг (سُبْحَانَ رَبِّيَ) “зо” ҳарфи ўрнига (ز) “зе” ҳарфини талаффуз қилиш билан намоз бузилади. “ʼазийм”нинг “зо”сини тўғри ва тиниқ талаффуз қила оладиган киши имомликка ўтиши суннатдир. “Зо”ни тўғри талаффуз қила олмайдиган киши “ʼазийм”нинг ўрнига “карийм” дейиши, яъни “Субҳана Роббиял карийм” дейиши керак.

Муқтадий руку ёки сажда тасбеҳларини уч маротаба айтишга улгурмасдан имом туриб кетса, имомга эргашиб туради. Чунки имомга эргашиш вожиб. Тасбеҳларни уч марта айтиш мақсадида имомдан ортда қолиши жоиз эмас (“*Фатавойи Оламгирия*”).

“Самиъаллоҳу лиман ҳамидах” дейиш ўрнига, “Самиъаллоҳу лимал ҳамидах” деган кишининг намози баъзи уламоларимиз наздида бузилади.

Намозхон витр вожибнинг учинчи ракатида Фотиҳа сурасидан кейин замсура ўрнига Қунут дуосини ўқиб рукуга кетди. Рукуда адашгани

ёдига тушса, ортга қайтиб замсура, сўнг Қунут дуосини ўқиб, рукуга боради ва намоз охирида саждаи саҳв қилади (“*Раддул мухтор*”).

Агар киши Қунут дуосини ўқишни унутиб рукуга борса, рукудан қайтмайди. Намоз охирида саждаи саҳв қилади. Агар рукудан қиёмга қайтиб, Қунут дуосини ўқиса, намози бузилмайди. Бу ҳолатда қайта руку қилмай, тўғри саждага кетиши мумкин. Намоз охирида саждаи саҳв қилади. Агар қайта руку қилса, саждаи саҳв билан намози дуруст бўлади (“*Аҳсанул фатаво*”).

Муқтадий Қунут дуосини ўқиб тугатмасидан имом руку қилса, у ҳам руку қилиши керак (“*Тахтовий*”).

Витр вожиб намозида эсидан чиқиб, биринчи ёки иккинчи ракатда Қунут дуосини ўқиган киши учинчи ракатда Қунут дуосини ўқимайди. Намоз охирида саждаи саҳв қилади (“*Фатавойи Қозихон*”).

Рукуда ҳамма аъзолар ўз ўрнига ўрнашиб бир маротаба “Субҳана Роббиял ʼазийм” дейиш миқдорида туриш вожибдир. Унутиб ана шу миқдор турмаса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Агар қасддан шундай қилса, намозни қайтадан ўқиши лозим (“*Раддул мухтор*”).

Витр вожиб намозида Қунут дуосини унутиб тарк қилиш билан саждаи саҳв вожиб бўлгани каби Қунут дуосидан олдин адашиб “Аллоҳу

акбар” демаган кишига ҳам саждаи саҳв вожиб бўлади (“*Тахтовий*”).

Намознинг бир-икки ракати-га кечиккан киши “масбуқ” дейилади. Масбуқ имомга саждаи саҳв қилишда эргашади, лекин имом саждаи саҳв қилиш учун салом берса, имомга эргашмайди. Саждаи саҳвдан кейин ташаҳҳуднинг ўзини ўқийди. Имом намоз охирида салом берганидан сўнг, туриб қолган ракатларни ўқийди (“*Фатавойи Оламгирия*”).

Агар масбуқ эсдан чиқариб, имом билан бирга икки томонга салом берса ва ўзганинг ёдга солиши билан ўрнидан турса, намози бузилади. Ўзга ёдига солганидан сўнг бошқа ишга машғул бўлмаган ҳолда бироз ўтириб ёки ўзининг ёдига тушгани учун ўрнидан турса, намози саждаи саҳв қилиш билан дуруст бўлади (“*Фатавойи Оламгирия*”).

Масбуқ ўзи имомга етишолмаган ракатларни адо қилишда адашиб бирор вожибни тарк қилса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади (“*Раддул мухтор*”).

Шом намозида имом билан бирга фақат бир ракатни ўқиган киши имом салом берганидан сўнг, қолган икки ракатни адо қилишда уларнинг орасида қаъдага ўтирмаса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди, намози дуруст бўлади (“*Кабирий*”, “*Сағирий*”).

Ўрқинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари” китобидан

Масала

Динда саволим бор...

Савол: Ранги ўзгарган ариқ суви ҳаром бўладими?

Жавоб: Сувнинг уч сифати бор: ранг, ҳид ва таъм. Агар оқар сувга нажосат тушиб, уч сифатидан бирини ўзгартирса, сув ҳаром бўлади. Тоза нарсаси тушиши билан унинг ранги ўзгарса, ҳаром бўлмайди. Масалан, барг, тупроқ лой каби нарсалар тушиши билан сувнинг ранги ўзгарса, у сув ҳаром бўлмайди. Идишдаги сувга бир томчи нажосат тушса, уни ҳаром қилади.

Савол: Тиловат саждасини қилишда қиёмга туриб, такбир айтиб кейин саждага бориш керакми ёки ўтирган жойида сажда қилса ҳам бўладими?

Жавоб: Намоздан ташқарида сажда ояти ўқилса, тиловат саждаси қилиш учун таҳорат, қиблага юзланиш, пок жой, пок кийим ва ният шарт бўлади. Аммо такбир, яъни Аллоҳу акбар дейиш суннат, қиём (тик туриш) эса мустаҳаб бўлади. Тиловат саждасининг мустаҳаб бўлган тартиби қуйидагича: тик туриб ният қилгач, такбир айтиб саждага борилади. Саждада уч марта тасбеҳ айтгач, яна такбир айтиб, тик турилади ва ўтириб дуо қилинади.

Савол: Таҳоратсиз киши қўлига қўлқоп кийиб, Қуръонни ушлаши мумкинми?

Жавоб: Йўқ. Чунки бунда киши ўзи кийиб турган кийими билан ушлаган бўлади. “Таҳорати бўлмаган кишилар кийиб турган кийимлари билан Мусҳафни ушлашлари мумкин эмас” (“*Фатавойи Оламгирия*”).

Савол: Жанозада имом беш марта такбир айтиб юборса, намоз бузилмайдими?

Жавоб: Йўқ, намоз бузилмайди. Агар жанозада имом бешинчи такбирни айтса, муқтадийлар имомга эргашмай, сукут қилиб туришади. Салом берганида бирга қўшилиб салом беришади.

5-бетда

Сарҳисоб

Фидойи имомлар тақдирланди

18 июль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигида Тошкент вилоятида фаолият юритаётган диний соҳа ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда вилоятда янги масжидлар очиш, мавжудларини янада обод қилиш, Қуръон курсларини ривожлантириш, хайрия ишларини

кенгайтириш ва маҳаллабай, ҳонадонбай ишлаш тизимини янги



босқичга олиб чиқиш, қулай меҳнат шaroитларини яратиш, касб маҳорати, мутолаани мунтазам ошириб бориш, дунёвий давлат тамойилларини инобатга олиш, жаҳолатга қарши маърифат ишларини кучайтириш ва она Ватан равнақи йўлида ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш давр талаби экани қайд этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида амалган оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, самарали меҳнат қилган фидойи имомлар эсдалик совғалар билан тақдирланди.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Матбуот хизмати

Мутолаа инсон қалбини тозалайди

Оиламиз зиёли ва ҳар бир аъзоси китобхон эди. Мутолаага, адабиётга бўлган қизиқишим Субуха холам туфайли туғилган. У мактабимизда адабиёт фанидан дарс берарди. Холамнинг уйида бир токча бадиий адабиётлар бўларди. Уларникига тез-тез бориб, китоблар мутолаа қилардим. Кутубхона деган тасаввур ўшанда пайдо бўлган. Мактабимиз ва колхоз кутубхонасидаги деярли барча китобларни ўқиб тугатганман. Кейинчалик ўзим ҳам китоб йиға бошлаганман. Китоб бу – тирик нарса, сенинг нафасинг урилиши билан у ҳам сенга нафас беради. Унинг тириклиги шундаки, ҳар бир саҳифаси яшнаб турган дарахтлардан пайдо бўлади.

Нақшбандия тариқатининг атоқли вакили, 38 та рисоласи ҳамда у ҳақда битилган 2 та маноқиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланадиган Махдуми Аъзам энг олис боболаримдан биридир. У киши Косонсойда туғилган, кейинчалик Самарқандга кўчиб келган. Қисқа вақт Бобур Мирзога, сўнгра, асосан, шайбонийлар сулоласининг йирик намояндalarидан бири Убайдуллохонга пирлик қилган. Махдуми Аъзамдан кейинги боболарим ҳам

тарих китобларига киритилган. Уларнинг ҳаммаси илмий, китобхон бўлишган.

Аксарият китобларни қайта-қайта ўқигим келади. Масалан, Шукур Холмирзаевнинг ҳикоялари мени ўзига ром этаверади. Улар вақт ўтгани сари янги таассуротлар беради. Китоб инсоннинг юрагини тозалайди.

“Бобурнома”ни ҳам севиб мутолаа қиламан. Жаҳон адабиётида бундай асарлар бармоқ билан санарли. Бобур бу китобида ўзининг дарди, қайғуси, қувончи, бошидан кечирган ҳар бир ҳолатини яширмасдан ёзган. Мен учун “Бобурнома”га тенг келадиган асар йўқ. Бобурни яхши кўришимга ҳам шу асар сабабчи. Бобур Мирзога бағишлаб кўп-кўп мақолалар, “Самарқанд хаёли” қиссаси, “Бобур соғинчи” драмасини ёзганман. Драма асосида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида сахналаштирилган спектакль ҳамда бир қатор теле-, радиоасарларим ҳам Бобур Мирзога бағишланган.

Кутубхона ташкил қилаётганимда бирма-бир китоб йиғишдан бошлаганман. Кутубхона фақат ўзингизга эмас, оилангиз, фарзандларингиз, набираларингиз учун ҳам керак. Қўлингизга тушган ҳар қандай китоб ҳам кутубхонадан ўрин олмаслиги лозим. У китоб болангизга нимани

ўргатади, сиз билан қандай суҳбатдош бўлади, фикрингизни чалғитадими ёки ўйланингизнинг яна-да юксалишига хизмат қиларига эътибор қаратиш лозим.

Шунинг учун китобларни саралаш муҳим жараён. Баъзиларнинг уйига борганимда, кутубхонасида бирор марта ҳам очилмаган китоблар тахланиб турганини кўрганман. Биз эса бундай китобларни харид қилиш ёки ўқиш учун кўп заҳматлар чекардик. Китоб ўқиб бошлаганидан кейин тирилади, сиз билан гаплашади. Китоб – сиз адашган пайтда тўғри йўлга олиб чиқади. Афсуски, бугунги кунда телефонга тикилиб, китоб ўқишдан узоқлашиб кетдик.

Биринчи марта устозимиз, адабиётшунос олим Озод Шарафидиновнинг кутубхонасига ҳавас қилганман. У жуда машҳур кутубхоналардан бири эди.

Кутубхонам Темур ва теурийларга оид китоблар, Алишер Навоийга тааллуқли асарлар, жаҳон адабиёти, замонавий адабиёт каби бўлимлардан иборат. Бу керакли китобни тез ва осон топишга ёрдам беради.

Қуръони карим ва у билан боғлиқ китоблар ҳам алоҳида қисмда сақланади. Қуръонда сирли ишоралар, сиз англамаган ҳикматлар яширин. Уни ҳамма ҳам

бирданига тушуниб кетавермайди. Бунда тафсирларнинг ўрни жуда катта. Қуръонни тушунтириб берадиган тафсирлар ўзимизда ҳам анча кўпайди. 1990 йиллар бошида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Шайх Алоуддин Мансур Қуръони карим маъноларининг ўзбекча изоҳли таржимасини тайёрлашдек улкан вазифани шараф билан адо этганди. Ҳатто ўша таржимада менинг ҳам озгина ҳиссам бор. Таржима жараёнини тезлаштириш учун мен, Шавкат Раҳмон ва бир қанча дўстларим навбат билан котиблик қилардик. Шайх Алоуддин Мансур ўқиб кетарди, биз бехато ёзиб, қоғозга туширардик. Шу ишга игнанинг учичалик ҳисса кўшганим сабабли ичимда доим мамнунликни ҳис қиламан.

Жавонимдаги китобларнинг анчаси луғатлардан иборат. Чунки тарихга қизиққанам, доим тарихни ўрганишга интиланам туфайли луғатлардан кўп фойдаланаман. “Ғиёсул луғот”, “Чароғи ҳидоят”, Навоий бобомиз асарларига оид ва ўзимизнинг изоҳли луғатларни кўп титкилайман.

Хуллас, бугунги кунда кутубхонамни бойитиш, уни ўқийдиган келажак авлод учун қолдириш устида режалар қиламан.

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Орамиздаги одамлар

Китоб, китоб ва яна китоб...

Гулистондаги хонадонларнинг бирида ноёб нусхали 20 та китоб бор. Уларнинг ҳаммаси қўлёзма. Шу қадар бежирим, чиройлики, у китобларни кўрган одам варақламай қўймайди. Варақлаган одамнинг эса ҳайрати янада ошади.

Гап шундаки, китобларни катта кутубхонага эга, “китоб” деса “ўзини томдан ташлайдиган” Имомқул Нуринов ўз қўллари билан тайёрлаган. 20 жилдлик китоб унинг ўқиганларидан ҳамда

жаътий тажрибаларидан олган сабоқлари, таассуротлари ва фикрлари билан тўла. Китоб жуда чиройли хатда ёзилган. Кўриб кўзингиз қувнайди.

Имомқул Нуринов нафақага чиққунига қадар оммавий аҳборот воситаларида фаолият юритган. Ижод қилиб туради. Унинг сабр ва ҳафсала билан боғлиқ яна бир хунари бор. Эскирган, яроқсиз китобларни таъмирлайди. Унга сабаб эса... Отасининг

вафотидан сўнг унинг ҳикматлар ёзилган ён дафтарчасини топиб олади. Имомқул бу ажойиб “мерос”ни отасининг набираларига ҳам қолдириш мақсадида қалин муқовали китоб ясаб, ҳикматларни унга кўчиради.

Бир куни у кизининг жавондан фақат муқоваси чиройли китобларни танлаб олаётганини пайқаб қолади. Шу жойда унда китоб муқовасидан чиройли “китоб-дафтар” ясаш ғояси туғилади.

“Қўлёзмаларни оддий дафтарга эмас, қалин муқовали “китоб-дафтар”га ёзиш яхши-ку”, деб ўйлайди у. Имомқулнинг ихтироси талаба фарзандларига ҳам манзур бўлади. Эндиликда у ижодкор дўстларига ҳам шундай совғалар тақдим этмоқда.

“Ҳаётимда менга учта суҳбатдош маъқул бўлди: китоб, китоб ва яна китоб”, дейди Имомқул.

Баҳора ХОЛБЕКОВА

Газетхон илҳами

Аллоҳни унутманглар

Тупроқ эрур аслимиз,
Одам Ато наслимиз,
Аллоҳники асли биз,
Аллоҳни унутманглар,
Иймонни унутманглар.

Фасллар келар шошиб,
Йиллар йиллардан ошиб,
Моҳу дунё талашиб,
Аллоҳни унутманглар,
Иймонни унутманглар.

Заррадан бўлди бунёд,
Рух бир кун бўлар озод,
Жонимиз қўлида Зот –
Аллоҳни унутманглар,
Иймонни унутманглар.

Дилда сақлаб иймонни,
Тилда ўқиб Қуръонни,
Фидо айлаб минг жонни,
Аллоҳни унутманглар,
Иймонни унутманглар.

Бугун зўрсан, кайфинг чоғ,
Атрофингга қараб боқ,
Ердан узилмай оёқ,
Аллоҳни унутманглар,
Иймонни унутманглар.

Кимда дўсту ҳамроҳ бор,
Кимга айру фироқ бор,
Ҳаммасига сўроқ бор,
Аллоҳни унутманглар,
Иймонни унутманглар.

Ҳақ йўлида ибодат,
Қилмайин тарки одат,
Келдиёрдан насиҳат,
Аллоҳни унутманглар,
Иймонни унутманглар.

Келдиёр ҳожи ХУДОЁРОВ, Хатирчи тумани

Қуръони карим номлари: “Ҳаблуллоҳ”

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони”ни маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг...»** (Оли Имрон сураси, 103-оят).

Оятдаги **“арқон”** сўзини Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳумо ва бошқа муфассирлар “дин”, “шариат”, “Қуръон”, “суннат йўли ва ҳидоят”, “жамоат”, “умматнинг ижмоси ва далиллари”, деб тафсир қилишган.

Албатта, ушбу “арқон”нинг Қуръон экани ҳадиси шарифларда ҳам келган. Имом Термизий Али розияллоху анҳудан қилган ривоятда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“У (Қуръон) Аллоҳнинг метин арқонидир”**, деганлар.

Имом Табарийнинг ривоятида: **“Аллоҳнинг Китоби осмондан Ергага чўзилган Аллоҳнинг арқонидир”**, дейилган.

Бошқа ривоятларда: **“Албатта, ушбу Қуръон Аллоҳнинг метин арқони бўлиб, унинг бир тарафи Аллоҳнинг, бир тарафи сизларнинг қўлингизда. Агар уни маҳкам тутсаларингиз, ҳаргиз адашмайсизлар ва ҳалок бўлмайсизлар”**, дейилган.

Имом Табарий “арқон”нинг маъноси ҳақида бундай деган: **“У**

исталган нарс ва эҳтиёжни қондиришга олиб борадиган сабабдир. Шунинг учун омонлик ҳам “ҳабл” (арқон) деб аталди. Чунки у хавфни кетказувчи, хавотиру қўркувлардан нажот берувчи сабабдир. Бу Аллоҳ азза ва жалланинг ушбу сўзида акс этган: **“Аллоҳ ва (мусулмон) одамлар ҳимоясига олинмаган тақдирда, (улар) қаерда бўлишларидан қатъи назар, хорликка маҳкумдирлар”** (Оли Имрон сураси, 112-оят).

Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳ айтиди: **«“Ҳабл” (арқон) боғланиш сабабидир. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзларига эътибор беринг: “Албатта, ушбу Қуръон Аллоҳнинг метин арқони бўлиб, бир тарафи Аллоҳнинг, бошқа тарафи сизларнинг қўлингизда, бас, уни маҳкам тутингиз”**. Аҳд — икки киши орасидаги ваъдага ўхшаш битим. Фақат унинг ваъдадан фарқи шуки, ваъда ўз мазмунида катта нарсаларни лозим қиладиган масъулиятдан гапирмайди, аҳднинг ичида эса буйруқ, қайтариқ ва бандалик баёнидан иборат Аллоҳ таолонинг тавсиялари бор».

Имом Мотуридий раҳимахуллоҳ айтиди: **“Ҳабл бу — аҳд. У Зот**

Қуръонда келган аҳдларни тутиш, унга вафо қилиш ва уларни сақлашга буюриб, ўтган умматлар каби ихтилофга бориб, фирқаларга бўлиниб кетишдан қайтармоқда”.

Абу Лайс Самарқандий раҳимахуллоҳ айтиди: **«Баъзи ҳукамолар: “Албатта, дунёда яшаётган одамнинг мисоли худди қудуққа тушиб кетган киши кабидир. Агар ундан чиқмаса, ўша ерда ҳалок бўлади. Дунё ҳам меҳнату машаққат майдони, унда ҳам ҳалок қилувчи турли офатлар бор. Қудуқдан чиқиш учун бир арқон керак бўлганидек, дунёда нажот топиш учун ҳам бир арқон лозим. Ўша арқон — Аллоҳ таолонинг Китоби”, дейишган»**.

Жўрабек ЧЎТМАТОВ,

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими



Тафаккур

Ҳайвонлар нимадан яратилган?

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам, икки оёқда юрадиганлари ҳам, тўрт (оёқ)да юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир!»** (Нур сураси, 45-оят). Ушбу оятда барча ҳайвонотнинг асли сув экани баён қилинган. Мазкур сувнинг тафсири ҳақида икки хил қавл бор: биринчиси, табиий сув, иккинчиси — нутфа.

“Нутфа”нинг луғавий маъноси “томчи сув” бўлиб, истилоҳда эркаклик уруғи маъносида ишлатилади. Шунга кўра, баъзи уламолар наздида оятдаги “сув”дан нутфа ирода қилинган.

Биринчи қавл тарафдорлари фикрига кўра, Аллоҳ таоло дастлаб сувни, сувдан шамол, нур, олов ва тупроқни яратган. Нурдан фаришталарни, оловдан жинларни, тупроқдан Одамни халқ қилган. Ҳайвоноту набототни ҳам сувдан яратган: **«Ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни (кўрмадиларми?)»** (Анбиё сураси, 30-оят). Барча ҳайвонлар дастлаб денгизларда

яратилган. Сўнгра уларнинг баъзилари қуруқликка чиққан ва замонлар ўтиши натижасида қуруқлик табиатига мослаша борган.

Иккинчи қавл тарафдорлари фикрига кўра, Аллоҳ таоло барча ҳалойиқни эркаклик “сув”идан яратган. Фақат баъзилари, масалан, Исо алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломнинг Марям ёқасига пуфлаган нафасидан, меваларнинг қуртлари эса мевалардан яратилган.

Уламолар бу оят икки хил маънога далолат қилади, деганлар:

1) бу оятда Аллоҳ таолонинг илми ва қудрати чексиз экани баён қилинган. Чунки мазкур хилма-хил ҳайвонларнинг хусусиятлари ўзларининг аслий сифатлари эмас, балки оддий сувдан ақллар ҳайратда қоладиган ана шундай нарсаларни пайдо қилган Зотнинг илми ва қудрати чексизлигини намоён қилади;

2) бу оятда башариятнинг ожизлиги баён қилинган. Яъни, бутун башариятнинг энг оқиллари Яратувчининг барча жониворларни қандай қилиб сувдан яратганини билиш учун жамлансалар ҳам, уни асло идрок қила олмадилар. Чунки бу яратишда аслида сувнинг ҳам,

яратилган нарсалардаги унсурларнинг ҳам бирор аҳамияти йўқ, балки буларнинг барчаси Буюк Яратувчининг иродасидир. Агар У Зот хоҳлаганида, уларни сувдан эмас, бошқа нарсдан ёки ҳеч бир нарсасиз яратиши ҳам мумкин эди.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси
доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).



Масала

3-бетда

Савол: *Пешиннинг тўрт ракат суннати ўқимаган одам имомликка ўтса бўладими?*

Жавоб: Пешиндан аввалги тўрт ракат суннат намозни ўқиш имомга ҳам, муқтадийларга ҳам суннати муаккада ҳисобланади. Агар бирор сабаб билан имом суннатни ўқий олмаган бўлса, муқтадийлар имом суннатни ўқиб олгунча кутиб турсалар яхши бўлади. Мабодо, имом тўғридан-тўғри жамоатга имомликка ўтиб бериб, кейин қолдирган тўрт ракат суннатни ўқиса ҳам, намоз кароҳиятсиз жоиз бўлади. Ойша розияллоху анҳо ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **“Набий соллаллоху алайҳи ва саллам пешинни тўрт ракат суннати ўқимаган бўлсалар, фарздан кейин ўқиб олардилар”** (Имом Термизий ривояти). Ушбу ҳадисдан юқоридаги саволга жавоб олишимиз мумкин. Чунки саодат асрида табиийки, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам имом бўлар эдилар.

Савол: *Бир гал намоз пайти аёлларнинг эркаклар билан бир қаторда туриб олганини кўрдим. Бу ҳолатда эркакларнинг намози бузилмайдими?*

Жавоб: Аёлнинг бирор тўсиқ ёки бўшлиқсиз эркаклар билан бир сафда туриши унинг икки ёнидаги ва ортидаги кишиларнинг намозини бузади, гарчи маҳрамлари бўлса ҳам.

“(Фарз намозда аёл ва эркак бир сафда туриши оқибатида эркак намозининг бузилиши) шартларидан бири эркак ва аёл ўртасида тўсиқнинг йўқлигидир. Тўсиқнинг баландлиги эгарнинг суянчиғидан паст, қалинлиги бармоқдан ингичка бўлмаслиги керак. Орадаги бир киши сифади-ган бўшлиқ ҳам тўсиқ ўрнига ўтади. “Табйин”да шундай келган” (“Фатавоий Оламгирия”).

Савол: *Аср намозини ўқиб бўлсам, бир киши: “Уч ракат ўқидингиз”, деди. Лекин қалбимда тўрт ракат ўқиганимга шубҳа йўқ. Бу ҳолатда нима қилиш керак?*

7-бетда

Хушёрлик – мўминнинг сифати

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мўмин бир тешик (уя)дан икки марта чақилмайди”,** деганлар (**“ал-Адаб ал-муфрад”**).

Бу ҳадиси шарифдаги уядан мурод – илон, чаён каби заҳарли нарсаларнинг инидир. Лекин, албатта, ҳадиснинг маъноси фақатгина заҳарли ҳашаротлар билан чекланмайди, балки ҳар қандай зарарни кўзда тутди. Демак, мўмин киши бир марта зарар кўрган еридан ва ишидан иккинчи марта зарар кўрмайдиган даражада хушёр бўлиши лозим. Албатта, мўмин инсон ҳалол, софдил, камтар, беғараз бўлади. Лекин ҳар кимга алданаверадиған, ҳар нарсага ишониб кетаверадиған даражада содда (ёки лақма) бўлиши керак, дегани эмас. Ўзи яхши билмаган хабар – маълумотнинг ҳақиқатини текшириб кўриш аслида мўминнинг вазифасидир. Зеро, Аллоҳ таоло: **«Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон**

хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда, бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун аниқлаб-текшириб кўринглар!» деб буюрган (**Хужурот сураси, 6-оят**).

Оятдаги “хабар” ҳар қандай маълумотни ўз ичига олади. Масалан, бизнинг давримизда хабар, маълумотларни интернетдан олиш жуда оммалашган, бир неча йил аввал ҳам маълумот,

хабарлар асосан телевидение, радио ва босма нашрлар орқали олинар эди. Мазкур воситаларга узатиладиган хабарлар ҳар ҳолда анча-мунча чиғириқдан ўтарди. Ҳозир эса, ҳатто тижорат таклифлар ҳам деярли ҳеч қандай текширувдан ўтмайдиған интернет орқали келадиған бўлиб қолди. Бу эса бизни янада эҳтиёт бўлишга ундайди. Чунки сўнгги бир неча йилда интернет нафақат керакли, манфаатли маълумотлар, балки турли “қармоқлар” манбаси

ҳам бўлиб қолди. Шунинг учун бизга келган, бизни қизиқтирган, ўзимиз фойдаланмоқчи бўлган ёки кимларгадир юбормоқчи бўлган ҳар қандай хабар, маълумотларни текшириб чиқишимиз керак. Биринчидан, бугунги кунда жамиятда омонатдорлик кўтарилган (алдов, хиёнат), иккинчидан, бизга маълумот юборган ёки бирор бизнес режа таклиф қилаётган одамнинг ўзи ҳам хато қилаётган (адашаётган) бўлиши мумкин.

Маълумотларни текшириб чиқишнинг йўллари кўп. Бунинг учун маълумотни интернетдаги бошқа манбалардан ё тегишли адабиётлардан текшириб кўриш ёки соҳа мутахассисларига муурожаат қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Маълумотларни текширишдан асосий мақсад бировни шарманда қилиш эмас, балки маълумот ё хабарга ишониб, чув тушиб қолмаслик учундир.

“Ислом молияси” каналидан олинди.



Ҳикмат – мўминнинг йўқотгани

Оқиллар динни диннинг ўзидан олишади

Солиҳлар хато қилмайди деб ўйлайсизми? Улар ҳам хато қилишади. Аммо бошқалар каби айбларини овоза қилишмайди. Балки истиғфор айтиб, хатоларини такрорламасликка, унинг ортидан яхшиликларни кўпайтиришга интилишади. Зеро, Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Умматимнинг барчаси – офиятда (омонликда), фақат гуноҳларини ошкор қилувчилар бундан мустасно”** (Имом Бухорий ривояти).

“Самолётда, уни бошқараётган учувчини танимасангиз-да, хотиржам бўласиз. Кемада эса, капитанни танимасангиз-да, хотиржамсиз. Лекин ҳаётингизни Аллоҳ бошқараётганини билсангиз-да, нега хотиржам бўлмайсиз?”

Йўқотаман деб ўйламаган нарсангизни Аллоҳ олиб қўйса, билингки, яқинда топаман деб ўйламаган нарсангизни беради.

Аллоҳга, сизга нимадир бериши учун эмас, балки рози бўлиши учун ибодат қилинг! Агар У рози бўлса, берадиган нарсалари билан сизни лол қолдиради.

Агар золим кимса мазлумга Аллоҳ

қандай неъматлар тайёрлаб қўйганини билганида, мазлумга зулмини ҳам қизғонган бўлар эди.

Ўзингиз ёмон кўрган кимсадан йироқ бўлинг, ёлғондан унга сохта муомала қилманг! Хижолат бўлиб, унинг ҳар айтганига мувофиқ бўлишга уринманг. Аллоҳ таоло бу жонни азоблашингиз учун бермаган.

Ақлли ва фикрли инсонлар динни диннинг ўзидан олишади, диндорлардан эмас.

Соф, тоза ниятли бўлсангиз, Аллоҳ таоло ўзингиз билмаган тарафдан нур бериб қўяди; ўзингиз билмаган ҳолда инсонларни сизга муҳаббатли қилиб қўяди; сўраган нарсаларингиз ўйламаган тарафнингиздан кела бошлайди.

Пок ният соҳиби истисносиз барчага яхшилиқ қилишни истайди. Унутманг, ўзгаларнинг бахтли бўлиши сизнинг бахтингизни тортиб олмайди, бой бўлиши сизни фақир қилиб қўймайди, сиҳат-саломатлиги касалингизни зиёда қилмайди.

Фақат пок ният соҳиби бўлинг, қалбингиз соф-тоза бўлсин!

Шайх Мутавалли ШАЪРОВИЙ
раҳимаҳуллоҳ

Махсус дуолар

Уловга минганда ўқиладиган дуо

“Субҳаналлазий сахҳора ланаа ҳааза ва маа кунна лаҳу муқринийн ва иннаа илаа Роббина ламунқолибуун”.

Маъноси: **«Бизга бун бўйсундирган Зот покдир. Биз бунга қодир эмас эдик. Ва, албатта, Биз Раббимизга қайтгувчидирмиз»** (Зухруф сураси, 13–14-оятлар).



Кийим кийишда ўқиладиган дуо

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам кўйлак, ридо ёки салла кийсалар, бисмиллоҳни айтиб, сўнг: **“Аллоҳумма инний асъалука мин хойриҳи ва хойри ма ҳува лаҳу ва аъзузу бика мин шарриҳи ва шарри ма ҳува лаҳу”**, деб айтар эдилар».

Маъноси: **“Эй Раббим, Сендан унинг яхшилигини ва унга бериладиган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Ва унинг ёмонидан ҳамда унга бериладиган нарсанинг ёмонидан паноҳ тилайман”** (Имом Ибн Сунний ривояти).



Шукр муродга етказар

Раҳматли онам ва бувимни эслаганимда, улар олдида ўзимни қарздор ҳис этаман. Отам вафот этганда мен бир ёшли гўдак бўлганман. Ёш бева қолган онам кекса қайнонасини ёлғиз ташлаб кетишга ва мени ўгай ота қўлида ўсишимга рози бўлмай, қайта турмуш қурмайди. Бувим қанча қистамасин, сўзида туриб олди.

Эслайман, онам тикувчилик қилиб оиламизни боқарди. Қийналганини бизга ҳеч ҳам билдирмасди. Фақат шукрона қиларди. Кувноқлик билан кўнглимизни кўтарарди. Бувим келинининг бу хислатини яхши кўрар, уни “қизим” дерди. Ўзи ҳам кекса бўлса-да, бекор ўтирмасди.

Пешонамизда яна бир айрилиқ бор экан. 12 ёшга етганимда онажоним ҳам омонатини топширди. Отамнинг ўлимига қаттиқ куйган экан. Бувим иккимиз жуда ғариблашиб қолдик. Менинг ҳали суягим қотмаган, бувим эса анча қартайган, зўрға юрарди. Унинг нафақасига яшардик. Аммо бувимнинг



бирор марта нолиганини эшитмаганман. Тилидан шукрона тушмасди. Бу одат менга ҳам ўтганди. Мушздай бошим билан рўзғор юмушларини оғринмай

бажараверардим. Бувимнинг борлиги мен учун бахт, бойлик эди. “Бувижоним узоқ яшасин, мени ёлғиз ташлаб кетмасин”, деб Аллоҳга илтижо қилардим.

Бувим: “Болажоним, яхши ўқи, илмининг кетидан қув”, деб ҳамиша уқтирарди. Бу менга катта далда бўларди. Бувимни хурсанд қилиш учун мактабда тиришқоқлик билан ўқидим. У орзу қилганидек, олий ўқув юртига қабул қилиндим. Хурсандчилик билан ғам бирга юрар экан, айнаи ўша кунлари бувимдан айрилдим. Ўн саккиз ёшимда сўнгги яқин инсоним ҳам мени тарк этди.

Бироқ довдираб қолмадим. Онам ва бувим менга ҳаёт сабоғини ўргатиб кетишганди. Аллоҳга суяндим, етказганларига шукр қилдим. Бир зум ҳам ҳаракатдан тўхтамадим. Натижада кўзлаган мақсадларим бирма-бир рўёбга чиқиб келмоқда.

Турсуной САТТОРОВА,
Қўшқўтир тумани.

Масала

5-бетда

Жавоб: Бир ўзи намоз ўқиган кишига ёки имомга намоз тугагач, адолатли (омонатдор, ишончли) бир кишига: “Сиз уч ракат ўқидингиз” деса-ю, унинг тўрт ракат ўқиганига ишончи комил бўлса, намозни қайта ўқимади. Агар тўрт ракат ўқиганига шак қилса, эҳтиёт юзасидан намозни қайта ўқийди.

Савол: Тўшакка михланиб қолган беморман. Бошим қибла тарафда. Баъзан уйдагилар қаравотимни айлантириб беришади. Баъзан уйда ҳеч ким бўлмай қолади. Шундай пайтда қиблага юзланмай намоз ўқисам бўладими?

Жавоб: Сизни қиблага қаратиб қўядиган одам бўлмаса, шу ҳолатингизда — қиблага юзланмай намоз ўқийверасиз. Чунки шариятимизда бир қанча узрлар туфайли қибладан бошқа томонга қараб намоз ўқиш жоиз бўлади.

“Тўшакка михланиб қолган бемор қиблага юзлана олмаса ё уни қиблага қаратиб қўядиган одам бўлмаса, қодир бўлган томонига юзланиб намоз ўқиши жоиз. “Хулоса”да шундай келган. Шунингдек, қиблага қаратиб қўядиган одам бор, лекин силжитиш беморга зарар қиладиган ҳолатда ҳам у истаган томонига қараб намоз ўқийверади. “Захирия”да шундай келган” (“Фатаввойи Оламғирия”).


Ўзбекистон мусулмонлари
идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

ми келиб, унга яна марҳамат кўрсатди:

— Қани, ўркачимнинг устига чиқиб ўтир. Бу сувдан ўтмоқ ва бошқаларни ўтказмоқ менинг ишимдир. Зеро, менинг вази-фам, сенинг каби юз мингларча ожизларга хизмат қилишдан иборат, — деди ва сичқонни дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиб қўйди...

Жалолиддин РУМИЙ

Ҳикоят



Сичқон туянинг тизгинидан маҳкам тутганча олдинда мағрур борарди. Туянинг итоаткорона оҳиста-оҳиста юришидан маст бўлган сичқон:

— Мен пахлавонман. Ҳатто туяларни ҳам бемалол тортиб юроламан! — деб мақтаниб қўярди.

Юриб-юриб бир дарё соҳилига келдилар. Дарёни кўрган мутакаббир сичқон бирдан қотиб қолди. Унинг манманлигидан ҳабардор ва индамай эргашиб келаётган туя эса:

Туя ва сичқон

— Эй тоғда ва текисликда менга ҳамроҳлик қилган сичқон! Нега тўхтаб қолдинг? Қани, мардларча дарёга кир! Сен менинг қўриқчим, йўлбошчим эмасмидинг? Йўл ўртасида бундай аҳволда тўхтаб қолиш сенга ярашадими? — деди.

Хижолатда қолган сичқон дудқланиб зўрға жавоб берди:

— Биродар, бу сув ниҳоятда чуқур экан. Чўкиб кетаман деб кўрқяпман.

Туя сувга тушиб:

— Эй сичқон, қара, сув тизза бўйи экан, кўрқишга ҳожат йўқ! — деди.

Сичқон чорасизлик ва хижолат ичра узрида давом этди:

— Эй ҳунарманд туя! Дарё сенинг наздинда чумоли, бизнинг наздимизда эса аждарҳо каби-дир. Чунки тиззадан тиззанинг

фарқи бор. Меникига ўхшаган юзлаб тиззаларни устма-уст қилсагина сенинг тиззангдек бўлиши мумкин!

Ақлли туя сичқонга насиҳат қилди:

— Модомики шундай экан, кибр ва ғурурга алданиб, одобсизлик қилма, ҳаддингни бил! Сенга қилинган чиройли муомала ва илтифотдан ўзингдан кетма. Чунки Аллоҳ таоло ҳаддан ошганларни ва ўзидан кетганларни севмас! Сен ўзингга ўхшаган сичқонлар билан бўй ўлчагин!

Хатосини англаб етган сичқон:

— Тавба қилдим, пушаймон бўлдим, мени кечир! Аллоҳ учун мени ҳалок қилувчи, фарқ қилувчи шу сувдан ўтказиб қўй! — деб ёлворди.

Туянинг сичқонга раҳ-

Вўдайган шўра

Деҳқон даласига маккажўхори донини сепди ва жўяқларга сув таради. Маккажўхоридан олдин шўра ўсиб чиқди. Маккажўхори ҳам нимжон бўлиб кўринди. Шўра тез авж олди ва маккажўхорига мақтанди:

— Сен пойимда қолиб кетасан ва ўсишингга йўл қўймайман.

Маккажўхори:

— Ер иккаламизга ҳам етади.

Мен ҳам ўсиб, ҳосил беришим керак. Билсанг, доним инсонлар учун фойдали ҳамда шифо. Мендан ун, ёрма, қанд, ёғ каби керакли маҳсулотлар олинади. Поям эса ҳайвонлар учун озиқа, — деди.

Шўра баттар ҳаволанди:

— Сен икки ёки учта сўта

чиқарасан. Ҳар бир сўтангда узоғи билан 750—800 та донинг бўлади. Менинг эса ўн мингдан кўп уруғим бор. Бир-икки йилда бутун далани эгаллайман...

Шу пайт экин майдонини бегона ўтлардан тозалаб келаётган деҳқонбобонинг кетмони



шўрани таг-томири билан қўприб ташлади.

Шоакрам ХУДОЙБОҚОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани

Ислом – Россиянинг анъанавий динларидан бири саналади ва бу юртда жуда эски даврлардан бошлаб масжидлар қурилган. Муслмонлар ибодатхоналарининг энг машҳурларидан бири – Выползов кўчасидаги “Москва” жоме масжидидир.

Замонавий масжид 1904 йилда меъмор Н. Жуков томонидан татар савдогари С. Эрзин маблағи эвазига қурилган. У Москвадаги иккинчи масжид эди. 1937 йил Замоскворечьедаги масжид ёпилганидан кейин Выползов кўчасидаги мазкур масжид СССР муслмонларининг асосий ибодатхонаси бўлиб қолган.

Сталин даврида диний иншоотлар фаоллик билан ёпилган ёки бутунлай бузиб ташланган, бироқ Шўро ҳукумати муслмон дунёси билан муносабатларни бузмаслик учун ушбу масжидни сақлаб туришга қарор қилади. Масжидга Яқин Шарқдаги давлатларнинг раҳбарлари ташриф буюради. Масжиднинг халқаро мақоми уни даҳрийлик йилларида ҳам сақланиб қолишини таъминлади.

Шўро Иттифоқи йилларида Выползов кўчасидаги жоме шаҳар муслмонларининг диний маросимлар ўтказиладиган ягона ибодатхонаси эди.

XXI асрнинг бошларида маҳсул комиссия масжид биносини авария ҳолатида ва ичида

“Москва” жомеи

одамлар бўлиши хатарли деб ҳулоса чиқарди. Масжиднинг таъинч деворлари ниҳоятда эскириб кетганидан уни таъмирлаб бўлмасди. Жамоатчилик фаолларининг узоқ муҳокамаларидан сўнг бинони бузиб унинг ўрнига янги масжид қуриш тўғрисида қарор қабул қилинади. 2011 йил ибодатхона бузилиб, меъморлар



А. Колентеев ва И. Тожиевлар пойтахтдаги энг катта масжидни қуришга киришдилар. Қурилиш ишларига 170 миллион АҚШ доллари сарфланди. Бунга хайрия ташкилотлари ва кўнгилли

тадбиркорлар ўз ҳиссаларини қўшишди. Янги масжид биноси 2015 йилда фойдаланишга топширилди. Эски бинодан фақат фасаднинг кичик қисми сақланиб қолди. Масжид архитектураси Византия услубидаги минораларга эга. Бинонинг майдони 18,9 минг квадрат метр.

Қурувчилар муслмон мамлакатлари учун анъанавий бўлган меъморчиликка амал қилган ҳолда бинони кўплаб маданий, бадиий ва тарихий ёдгорликлар билан таъминлашга муваффақ бўлдилар. 70 метр баландликдаги минораларнинг шакли бир вақтнинг ўзида Москва Кремлининг Спаская минораси ва Қозон Кремлининг бош минорасига ўхшайди. Масжид гумбазининг баландлиги 46 метр. Гумбаз черковларнинг олтин гумбазлари билан уйғунлашиб Москва қиёфасига кўрк бағишлайди.

Масжидда 10 минг киши ибодат қила олади. Ичкараси муслмон анъаналарига кўра, аёллар ва эркаклар намозхоналарига бўлинган. Жоменинг ички безаклари бойлиги ва турфارانглиги билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Гумбазнинг ички қисмига зарҳал араб алифбосида Қуръон оятлари битилган. Туркия ҳукумати масжидга



қимматбаҳо ёғочдан ясалган ажойиб эшиклар, улкан гиламлар ва ажойиб биллур қандиллар совға қилди. Энг катта қандилнинг вазни 1,5 тонна.

“Москва” жомеи рус муслмонларининг асосий биносига ва халқаро учрашувлар ўтказадиган масканига айланди.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Тиббиёт бурчаги

Хотира заифлашганда

Пиёзни бўтқа қилиб, асал билан тенг миқдорда аралаштирилади. Икки ой давомида ҳар куни эрталаб ва кечқурун бир ош қошиқдан истеъмол қилинса, хотира сусайишининг олдини олади.

Варикозга самарали даво

Оқ саримсоқни пўстидан тозалаб, майда тўғралади ва эритилган сариеғ билан аралаштирилиб, 1-2 соат қўйиб қўйилади. Аралашмани кечқурун уйкуга ётишдан олдин оёқнинг оғриётган қисмига суртиб, устидан чўзилувчан бинт билан ўраб қўйилади. Бу муолажа варикозда самарали даво бўлади.

Қон айланишини яхшилайди

1 стакандан лимон, сабзи, лавлаги, қора турп шарбатларига асал аралаштирилиб,

музлаткичда шиша идишда сақланади. Бир ярим ой давомида кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал овқатдан сўнг ичилади. Бу қон томирларини тозалаш ва қон айланишини яхшилашга ёрдам беради.

Эрта тонгда бош оғриси...

Тонгда бош оғриғи билан уйғонган бўлсангиз, бир бўлак олмага озроқ туз сепиб ёб олинг ва устидан илиқ сув ичинг. 10–15 дақиқада оғриқ қолиб, тетиклашасиз.

Оёқларда чарчоқ сезилса...

100 граммдан лимон ва апельсин пўстлоқлари олиниб, устига 1,5 литр қайноқ сув қўйилади. Сўнг 5 дақиқа паст оловда қайнатилади. Бироз совутилиб, илиқ ҳолида ярим соат мобайнида оёқлар ванна қилинади. Муолажа кунора бажарилса, оёқларни тетиклаштиради.

Ўздаги доғларни йўқотади



1 чой қошиқ лимон шарбатини 25 грамм хамиртуруш ва 1 ош қошиқ хом сут билан



аралаштириб, юзга суртинг. 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланг. Ёки лимон шарбатини тенг миқдорда сметана билан аралаштириб, юзга суртгач, 15–20 дақиқа кутинг.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон муслмонлари идораси Тошкент шаҳар вакиллиги жамоаси Тошкент шаҳридаги “Фирдавс” жоме масжиди имом-хатиби Бахтиёр домла Сатторовнинг оналари вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Иннā лиллāҳи ва иннā илайҳи рбжизу'н!

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Ислом нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBAYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatullo TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi:
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'liq SHERNAYEV
Musahhih:
To'liq SHERNAYEV
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
16.07.2024
Xulosa (№03-07/4362) olindi:
19.07.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.550
24-3/14-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!